



International Scientific and Practical Conference on the  
topic: " Sustainable Architecture – Challenges and  
Achievement of the Present and Future"



## ЗАМОНАВИЙ ЛАНДШАФТ ОБЪЕКТЛАРИНИ ЁРИТИШ УСУЛЛАРИ ВА ҚУРИЛМАЛАРИ

**ЖОНУЗАКОВ АБДУВАЛИ ЭСИРГАПОВИЧ**  
*СамДАҚУ катта үқитувчиси*

*Annotatsiya:* Маъruzada тунги ёритиши усуллари, ёритиши қурилмалари турлари, уларнинг ландшафт дизайнидаги ўрни ва аҳамияти тўғрисида сўз боради.

*Kalit so`zlar:* объектларини ёритишида, қуйиладига, композицияларини, Чироқларни.

Замонавий ландшафт объектларини ёритиши усуллари энг хилма-хил бўлиши мумкин. Худудни ёритишнинг уч усулини ажратиш лозим: функционал, декоратив ва аралаш.

**1. Функционал ёритиши** пиёдалар маршрутлари ва йўлнинг автомобиллар юрадиган қисмини сутканинг қоронги вақтида ёритишига хизмат қиласди.

**2. Декоратив ёритиши** энг қизиқарли бўлган ландшафт композицияларни сутканинг кечки вақтида ёритишига мўлжалланган.

**3. Аралаш ёритиши** юқорида (функционал ва декоратив ёритишида) кўрсатилган вазифаларни ҳал қилишига имкон беради.

Декоратив ёритиши ландшафт объектларини ёритишида муҳим аҳамиятга эга. Яхши бажарилган декоратив ёритиши ёрдамида яхши кўриш эффициента ва катта эмоционал таъсирига эришиш мумкин. Ўсимликларни ва гулларни пастдан ёритиб ва маҳсус қопламадан ёруғликни акс эттириб, қизиқарли кечки саҳна яратиш мумкин.



E-mail address: editor@centralasianstudies.org  
(ISSN: 2660-6844). Hosting by Central Asian Studies. All rights reserved..

Боғ эски ёки янги бўлишидан, унда конструкциялар ва ўсимликлар қўп ёки кам бўлишидан қатъий назар, қуйидаги декоратив ёритиш турлари фойдаланилади:

**2.1. Тўппа - тўғри (куйиладиган ёргулик билан) ёритиш** - ёруғлик бевосита манбадан нур таратади ва дараҳтларни, буталарни, гулларни ва х.к. - бутун композицияни тўлалигича ёритади. Ёруғликнинг тўғри манбалари ҳар қандай ҳолда ёпиқ амалга оширилиши лозим.

**2.2. Қия (локал) ёритиш** - ёруғлик манбаидан акс эттириладиган юзага нур таратади, у ердан




ўз навбатида керакли объектга акс эттирилади. Айниқса, декоратив деворларни, шпалерларни, вертикал кўкаламзорни, шунингдек, коттеж ўзининг деворларининг қия ёритилиши эффектив бўлади, яъни муҳитнинг айрим объектлари ёритилади.

**2.3. Контурули ёритиш** - ёруғлик манбаидан нур таратади ва баъзи айрим элементлар контурини, масалан МАФни ёритади.

Бутун худудни ёритиш сахнаси пухта ўйланган ва нисбатан қизиқарли ландшафт композицияларини ёритишнинг олдиндан лойиҳалаштириш усули билан аниқланиши лозим. Бу кўчма қисқа муддатли ёқиладиган чироқлар ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Ёруғлик манбани экранлаштириб, кучли ёруғликдан сақланиш муҳимдир. Синовдан ўтган бир неча ғоялар вариантини таҳлил қилиб, энг қизигини танлаш, шундан кейин стационар (муқим) ёритиш масалаларини ҳал қилиш мумкин.


Ёритиш тизимининг муҳандислик таъминоти масалалари алоҳида эътиборни талаб қиласди. Ёритишнинг доимий ташқи манбалари - чироқлар атмосфера ёғинларидан ҳимоя қилинган бўлиши лозим. Бунинг учун ерга уланадиган сими бўлган маҳсус чироқлар ишлатилади. Шунингдек, турли турдаги эффектив чироқларни манбага қўшиш учун, сув ўтказмайдиган разъем(бўлакларга ажраладиган бўлинма)лар ишлатилади.



Ўлчами 25 кв. см ли тунукадан чироқлар учун майин ёруғлик тарқалишини таъминлайдиган экранлар тайёрлаш мумкин. Бу мақсад учун, шунингдек, ёғоч парчалари ва бошқа материаллар ишлатилиши мумкин. Ёритиш билан ўтказилган тажриба давомида ер устида турган сув ўтказмайдиган қўрғошин ўрамали қувватли кабелни кейинчалик ерга кўмиш мумкин, бунда ҳеч қандай маҳсус каналлар (короблар) керак эмас. Одатда икки ёки уч симли электр кабелдан фойдаланилади, бу ҳолатда бошқа кабелларни, хусусан телефон кабелини қувватли кабел ёнида кўмиш мумкин эмас. Уч симли кабелда симларнинг бири ерга уланиш (заземление) сифатида ишлатилади. Кабел ажратгичлари (разъемлари) ўт ўрадиган машина ва участкада ишлатиладиган бошқа механизмлар билан етказилиши, ташқи шикастлардан ҳимоя қилинган бўлиши лозим, бу билан участкада ишлайдиган одам учун электр зарбаси хавфини олиш мумкин. Одатда ажратгичлар ерга мислик сим билан уланган металл қутиларга жойлаштирилади. Ташқи контури билан ерга уланган уч ўқли (уч штирили) ажратгични ишлатиш тавсия этилади. Ҳозирги вақтда сотиладиган, турли участкаларга хизмат қўрсатиш учун ишлатиладиган злектр ускуналари уч симли кабелга уч ўқли ажратгич орқали уланади. Ташқи ерга уланиш - яхши амалиёт, аммо эффективив эмас. Участканинг ёритиш тизимини кенгайштиришни ҳисобга олган ҳолда, қўшимча кабел назарда тутиб қўйилса, яхши бўлади.

Чироқларни танлаш лойиҳалаштирилаётган худудни кечки ёритишнинг қабул қилинган саҳнаси асосида амалга оширилади.

Ёруғлиги ёйиладиган чироқлар ер сатхини ва бўйи паст буталарни ёритишга мўлжалланган. Яхиси, уларни йўл бўйида жойлаштириш, шу билан керакли кўриниш ва предметларнинг етарлича ёритилишини таъминлаш мумкин.



Ёруғлик йўналиши бошқариладиган чироқларнинг хусусияти - лампалардан кўзни оладиган ялтирашлари бўлмаган предметларнинг яхши кўринишишидир ( одатда, бу ялтираш предметлар ва атрофдаги жойни фарқлай олмасликка сабаб бўлади). Йўл бўйида ёруғлиги паст чироқларни жойлаштириш лозим.



Бир томондан теппага қаратилган ёритиш предмет фақат бир томондан кўриниши керак бўлган шароитда кўлланилади ва у ер сатҳидан камгина бадандроқда ўрнатилади. Чироқ предмет одида ўрнатилади, ёруғлик тўғри предметга йўналтирилади - ёритишнинг бундай усули жой рельефини кулай

Умумий тарқоқ ёритишни тиргакларда жойлашган чироқлар ҳосил қиласи. Шаҳар боғлари, бульварларини ёритиш учун баландлиги 4 -5 м тиргаклар кўлланилади. Аксарият боғ ва паркларда хиёбонларни ёритиш учун баландлиги 2,5- 5 м бўлган тиргаклар ишлатилади. Ҳар бир аниқ ҳолат учун тиргаклар баландлиги чироқларнинг конструкцияси, куввати, ёруғлик изининг майдони, ёруғланишнинг зарурий даражасидан келиб чиқиб, индивидуал тарзда ҳисобланади.

Ёруғлик оқимининг йўналиши бўйича умумий тарқоқ ёритиш учун чироқларнинг бир неча тури ишлатилади. Бу анъанавий турдаги чироқлар:

- лампасидан ёруғлик тиник ёки хира плафонларнинг ён томонларидан тарқалади;
- тиник ёки хира плафон орқали йўналтирилган ёруғлик оқими билан пастга тарқалади;
- аксланадиган экрандан ёйилган ёруғлик билан тарқалади.

Ландшафт объектларида, шунингдек, баландлаги 1 м бўлган тиргакка ўрнатилган чироқлар ишлатилиши мумкин. Оптик-толали технологиялар асосида тайёрланган лампасиз чироқлар ўзининг хусусиятлари бўйича қизиқарлидир. Ҳар бир чироққа ёруғлик энергияси марказий манбадан оптик кабел ёрдамида етказилади. Бу тизим мутлақо хавфсиздир. Оптик -толали кабел электр энергиясини эмас, фақат ёруғлик энергиясини узатади.



Бунақа технологиялар турли архитектуравий-бадий масалаларни ёчишда фойдаланилади. Ёруғланаётган кабелни йўлакчалар четидан ўтказиш, дараҳтдан ёруғ лиана сифатида тушириш, бассейн атрофини белгилаш ва ҳатто сувга тушириш мумкин. Кабелга ранг бериш керакли вактда ёруғлик манбайдаги ёруғлик фильтрини айлантириш ҳисобидан бир неча маротаба ўзгариши мумкин. Фақат учлари “ёнадиган” оптик-толали иплардан ёруғликни узатиш учун фойдаланиб, янада кўпроқ қизиқарли бўлган ёруғлик ва рангланиш эфектларга эришиш мумкин. Улардан фойдаланиб “юлдузли осмон”, “милтиллаган шифт” ва бошқалар эфект яратиш мумкин.

Бадий эфектларга эришиш учун, шунингдек, турли растрли насадкалари бўлган, рангли фильтрлари мавжуд *иҷига ўрнатилган чироқлар* ишлатилади. Улар етарлича маълум метрик ёруғлик акцентларини ҳосил қиласди.

## Адабиётлар

1. Крижановская Н.Я. Основы ландшафтного дизайна. Ростов-на-Дону. 2005.
2. Добронравова Е.А. Ландшафт дизайнни. Тошкент, 2009;
3. Интернет маълумотлари.